

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Валижонов А.Р.

Ўзбекистон Республикаси

Давлат активларини бошқариш

агентлиги Тадқиқотлар

маркази бўлим mudiri

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни шаклланиши ва ривожланиши масалалари ўрганилган. Тадқиқотда корпоратив бошқарув тушунчасига бир қанча олимлар томонидан берилган таърифлар таҳлил этилган. Мақолада Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг асосий хусусиятлари аниқланган ва бошқарувнинг ушбу шаклини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: хўжалик жамияти, давлат, мулк, бошқариш, улуш, акция, самарадорлик, тамойил.

ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Валижонов А.Р.

Заведующий отделом

Центра исследований при Агентстве

по управлению государственными активами

Республики Узбекистан

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы становления и развития корпоративного управления в Узбекистане. В работе проанализированы определения, данные учеными понятию корпоративного управления. В статье выявлены особенности корпоративного управления в Узбекистане и разработаны предложения по развитию данной формы управления.

Ключевые слова: хозяйственное общество, государство, собственность, управление, доля, акция, эффективность, принцип.

ISSUES OF DEVELOPMENT OF CORPORATE GOVERNANCE IN UZBEKISTAN

Valijonov A.R.

**Head of the department of the
Research center under
State assets management agency
of the Republic of Uzbekistan**

Annotation. The article discusses the formation and development of corporate governance in Uzbekistan. The work analyzes the definitions given by scientists to the concept of corporate governance. The article identifies the main features of corporate governance in Uzbekistan and develops proposals for the development of this form of management.

Key words: business society, state, property, management, share, efficiency, principle.

Кириш

Мамлакатимиз иқтисодиётида фаолият кўрсатаётган юридик шахслар орасида хўжалик жамиятларининг, яъни акциядорлик жамияти ва масъулияти чекланган жамиятларнинг алоҳида ўрни бор. Хўжалик жамиятларининг бошқа турдаги юридик шахслардан асосий фарқли жиҳати улар орқали жамиятда акциядорлар ва улушдорлар шаклидаги мулкдорлар қатлами ҳам ривожланиб боради. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, мулкдорлар, жумладан акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда мамлакатда самарали корпоратив бошқарув тизмини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақола доирасида корпоратив бошқарув тушунчасининг мазмуни ва моҳияти ёритиб берилади.

Адабиётлар таҳлили ва методлар

Корпоратив бошқарув тушунчасини талқин қилиш хорижий олимлардан Р. Монкс, Н. Милоу [1], А. Афуа асарларида [2], хўжалик жамиятларида бошқарув органлари фаолияти С.Д. Могилевский [3], корпоратив бошқарувда шаффофликни таъминлаш И.Ю. Бочарова [4] ва О.В. Осипенко асарларида ёритилган [5]. Корпоратив бошқарув соҳасида мамлакатамиз олимлари ҳам тадқиқотлар олиб боришган, жумладан корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари З.А. Ашуров асарларида [6], корпоратив бошқарувнинг молиявий жиҳатлари Р.Х. Карлибаева [7] ва М.Б. Хамидуллиннинг [8] илмий ишларида тадқиқ этилган. Мақолада иқтисодий таҳлил ва моногрфик ўрганиш методларидан фойдаланилган.

Асосий натижалар

Иқтисодий ва юридик адабиётларда корпоратив бошқарув тушунчасига бир қатор таърифлар келтирилган. Венгриялик олим М. Хессельнинг фикрича, корпоратив бошқарув – бу мулкдорлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг корхона фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиш билан боғлиқ ўзаро муносабатлардир. Америкалик олим М. Портер корпоратив бошқарувга қуйидагича таъриф берган: корпоратив бошқарув – бу корпорацияни бошқариш ва назорат қилишни, корпорациянинг бирламчи иштирокчилари орасидаги муносабатларни белгилаб берадиган қоидалар ва институтлар тизмидир [6]. Ўзбекистонлик олимлар томонидан ҳам корпоратив бошқарув тушунчасига таърифлар берилган. Масалан, иқтисодчилар Ш. Зайнутдинов ва Д. Рахимова фикрича Корпоратив бошқарув бу мафаатдор шахсларнинг даромад олиш мақсадида биргаликдаги ҳаракатларидир [9].

Умуман олган корпоратив бошқарувга келтирилган таърифларнинг таҳлили бошқарувнинг бундай шакли асосан корпорациялар каби юридик шахсларда мавжуд бўлишини кўрсатмоқда. Ўзбекистонда хўжалик жамиятлари ташкил этилиши тамойиллари бўйича жаҳон амалиётида

мавжуд бўлган корпорацияларга мос келади. Миллий қонунчиликка мувофиқ хўжалик жамиятларига акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият ва қўшимча масъулиятли жамиятлар киради.

Ўзбекистонда хўжалик жамиятларини, жумладан акциядорлик жамиятларини шакллантириш давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнлари билан бир вақтда бошланди. Хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичларида давлат корхоналари негизда акциядорлик жамиятларини ташкил этиш давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий шаклларида бири бўлиб қолди. Мамлакатимизда ривожланаётган корпоратив бошқарувнинг асосий хусусиятларидан бири бу давлатнинг ушбу жараёнда фаол иштирок этиши ҳисобланади. Бунда, давлат корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий асосларини яратади ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлайди. Бугунги кунда корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунлари ташкил этади:

“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”

“Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”

“Давлат мулкани бошқариш тўғрисида”.

“Давлат мулкани бошқариш тўғрисида”ги қонунни юқорида санаб ўтилган қонунлар рўйхатига киритишимизнинг асосий сабаби бугунги кунда иқтисодиётда давлат иштирокидаги корхоналарнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда муҳим масалалардан бири бу уларда самарали бошқарув тизмини яратиш ҳисобланади. Шунинг учун “Давлат мулкани бошқариш тўғрисида”ги қонунда давлат иштирокидаги корхоналарда бошқарув тизимини тартибга солиш алоҳида бобда, яъни давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш

деб номланган 6-бобида акс эттирилган. Ушбу бобда қуйидагилар назарда тутилган:

давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини молиялаштириш тартиби;

давлат иштирокидаги корхонада корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш ва бу тизимни баҳолаш тартиби;

давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари.

Корпоратив бошқарувга доир қонунлардан ташқари тавсиявий характерга эга бўлган Корпоратив бошқарув кодекси ҳам давлат томонидан ишлаб чиқилган. Мустақилликнинг ўтган йиллари давомида корпоратив бошқарувни ривожлантиришга қаратилган бир қанча қонуности ҳужжатлари ҳам қабул қилинди. Сўнги йилларда ушбу соҳага доир қабул қилинган ҳужжатлардан Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқарув органларида давлат вакиллариининг самарали иштирокини таъминлаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2023 йил 14 августдаги 373-сонли қарорини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу қарорга мувофиқ Давлат иштирокидаги корхоналардаги давлат вакиллариининг фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Низомга мувофиқ қуйидагилар белгиланди:

давлат иштирокидаги корхоналарнинг акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишида давлат номидан иштирок этадиган шахслар ва кун тартибидаги олдиндан келишиладиган масаллар;

давлат иштирокидаги корхоналар соф фойдасидан дивиденд (ажратма) миқдорини Давактив агентлиги билан келишиш тартиби;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар юзасидан хабарнома ва ҳужжатларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг яна бир хусусияти акциядорлик жамиятларининг аксарият қисмида давлат улуши мавжудлигидан иборат. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси маълумотларига асосан 2024 йил 1 октябрь ҳолатига 262 та акциядорлик жамиятларида давлат улуши мавжуд бўлган¹.

Мамлакатимиздаги хўжалик жамиятларида асосан уч поғонали корпоратив бошқарув тизими шаклланган, жумладан бошқарув тизими иштирокчилар (акциядорлар) умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижрочи органдан иборат. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда кўпчилик масъулияти чекланган жамиятлар кузатув кенгашини ташкил этиш ҳуқуқидан фойдаланмаяптилар. Бизнинг фикримизча, кузатув кенгашининг ташкил этилиши жамиятда бошқарув сифатини оширади ҳамда ижрочи органи фаолияти устидан назоратни кучайтиради. Бу эса ўз навбатида хўжалик жамияти фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар

Бугунги кунда Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари яратилди. Мамлакатимиздаги хўжалик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янда ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларида давлатга тегишли акциялар пакетларини хусусийлаштиришни кенгайтириш ва бу орқали акциядорлик жамиятларида хусусий акциядорлар шаклидаги мулкдорлар қатламини ривожлантириш ҳамда уларни корпоратив бошқарув жараёнларига жалб қилиш;

акциядорлик жамиятлари учун ишлаб чиқилгани каби масъулияти чекланган жамиятлар учун ҳам тавсиявий характерга эга бўлган иштирокчилар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижрочи органи тўғрисидаги намунавий низомларни тайёрлаш;

¹ <https://uzcsd.uz/api/Website/GetPdfById2516>

корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг узок муддатга мўлжалланган концепциясини ишлаб чиқиш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Monks R., Minow N. Corporate Governance. – NY, 2011. P.4.
2. Afuah A. Business Models: A Strategic Management Approach. — McGraw-Hill, 2003. — Ch. 13. Corporate Social Responsibility and Governance. P.134
3. Могилевский С.Д. Органы управления хозяйственными обществами. – М.: Дело, 2001. С.161
4. Бочарова И.Ю. Корпоративное управление и информационная прозрачность компаний// Социально-экономические аспекты функционирования и развития предприятий: материалы научн. конф / ЛФ ФГОУ ВПО «Госуниверситет-УНПК». — Ливны, 2011. С.151.
5. Осипенко О.В. Корпоративный контроль. Экспертные проблемы. – М.: Статут, 2013.С.25.
6. Ашуров З.А. Корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иктисодий механизмлари. Монография – Т."LESSON PRESS" нашриёти, 2019-256.
7. Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари. Монография.-Т.: ТДИУ, 2018.-252б.
8. Хамидуллин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Монография.-Т.: Молия, 2008.-204с.
9. Зайнутдинов Ш.Н., Рахимова Д.Н. Корпоратив бошқарув асослари.- Т.: Академия, 2007.48б.